



Азиза хола айвон тўридаги ўринда чўзилиб ётганди. Тепасида кўшниси Лазокатхон пайдо бўлди. Ўзига оро бериб, ясаниб юрадиган бу лобар, кувнок аёлнинг йўсини бўлакчарок, феъли айниганрок эди. Аммо кўшнисининг лоҳас тортиб ётганини кўраркан, бирдан юзида ачиниш пайдо бўлди.

— Ия, ия, эгачи! Мен сизни чакиртиргандим. Мехмонларимни ширин сухбат билан хурсанд килиб ўтирасиз, деб. Чикмадингиз. Нима бўлди сизга?

Азиза хола орик гавдасини аранг кўтарди. Лазокатхон билан кўришгач, боди кўзгалганидан кимирлаёлмай колганини айтиб, узр сўради. Лазокатхон эгачисининг билагини ушлаб кўрди. Томир уриши бежолигини сезди. Дарров ўз уйида кон босимини ўлчайдиган асбобини олиб чиқди. Ўлчаб кўргач, кон босими хам кўтарилиганини билдириди. Азизахоннинг нозиклигини, соглигидан бот-бот шикоят килиб туришини билгани учун ачиниб кетди:

— Ўзингизни ортикча уринтиргандирсиз-да. Энди эҳтиёт бўлинг. Худо шифо берсин. Сизга ким караётибди ўзи? — деб у ёк-бу ёкка аланглаб олди. Уй ичида хеч ким кўринмагач, сўради. — Кани болалар?

Азиза хола бироз ўйланиб тургандан сўнг:

— Кетишганди... — деб кўйди.

— Каёкка? — деди Лазокатхон сергак тортиб.

— Халиги... Янги жойга...

— Тушинтириброк гапиринг-чи. Канака янги жой?

Азиза хола кўшнисининг синчковлигини, кизиккан нарсасини аникламагунча кўймаслигини биларди. Шунинг учун борини айтишга мажбур бўлди. Гап ўгли билан келини устида кетаётганди. Келиннинг отаси тузуккина тадбиркорлардан экан. Ишлари юришиб кетгандан кейин сахиyllиги тутибди. Кизига якиндаги домдан бир квартира олиб берибди. Азиза холанинг кўхна, тор, пасткам ховлисида сикилиброк яшашаркан.

Хонадоннинг отаси ўгли билан келини турадиган битта хонани икки хонага айлантириб бериш харакатида экан-ку, бу иш хадеганда бита колмаётган экан. Шу сабаб янги квартирага кўчишга чогланган келиннинг раъйини кайтариб бўлмаган. Ўз-ўзидан ўгли Ўқтам хам рафикаси кетидан эргашган.

Бу янгиликни эшитаркан, Лазокатхоннинг шахло кўзлари кинидан чикаёзиб, жиги-бийрони кайнаб кетди.

— Ана, холос! Наҳотки, шуни кўра била туриб йўл кўйсанглар-а! Хўжайинингиз хам индамай кўйиб бердиларми?

— Хўжайнин буларни кўчганини билмай колди. Командировкага кетганди.
— Командировкадан качон кайтади?
— Узокрок муддатга кетганла...
— Шундок экан, ахир болаларингизга: «Даданг келсин бир гап бўлар. Мени ёлгиз ташлаб кетманглар», — деб айтмабсиз-да?
— Айтувдим. Тез-тез келиб турамиз, деб ваъда беришди. «Хозирча боғчасига бормасдан, ёнингизда турсин», — деб боласини колдиришиди.

Шу чоғ ошхонадан ушшоккина бир кизча чойнак кўтариб чикиб, буларнинг олдилариға келтириб кўйди. «Хой, Жажжи, дастёрчилик сенга колдими, айноний!», — деб Лазокатхон кизчани багрига босиб, пешонасидан ўпиб кўйди.

— Бу Жажгининг ёнингизда хамроҳ бўлиб тургани яхши. Лекин козон-товорка, ўй-жойга караш, касалингизга малхам кўйиш бунинг кўлидан келмайди-ку! Фарзандлар шуни ўйлашмагани кизик. Ўзингиз хам айтишга андиша килгансиз-да, албатта. Феълингиз маълум. Ортиқча тортинчок, хоксорсиз! Улар сизнинг бўшанглигингиздан фойдаланишган. Ха, эгачи, ўз оналик кадрингизни билмасангиз шунака бўлади.

Келинингиз юзсизлик килган бўлса ўглингиз ўйлаши, онаизорига раҳм килиши керак эди! Лазокатхон эгачисининг томирлари тортишиб колган оёгини силаб-сийпаб кўйди.

Албатта, доктор чакириб каратиш зарурлигини айтди. Ўқтамни кандай топишни сўради. Азиза хола унга дераза токчасида турган дафтарчани кўрсатди. Лазокатхон дафтарчани варакдаб, Ўқтам ишхонасиға тегишли бир-иккита телефонни топди-да, когозга ёзиб олгач, чикиб кетди.

Орадан кўп вакт ўтмай кўшни кизи кириб келди. Кош-кўзлари онасиникига ўхшаш попукдаккина, чаккон харакатли бу тийрак киз айвонга кўтарилиб караганда, холасининг кўзи илинган экан. Овоз чикармасдан ёнига борди. Пашиб кўнмасин деб юзига дока ёпди-да, секин пастга тушди. Бурчакда турган супургини кўлига олиб, хазон, чўп-хаслар ивирситган ховлини супуришга тушди. Шундан сўнг ховлига аста-аста шакароб килиб сув сепа бошлаганди, айвондан Азиза холанинг овози чиқди.

— Вой, Доно кизим, нима килиб уриняпсан? Доно югура бориб, кўришди:

— Тузукмисиз, холажон? — деди. — Сизга ёрдам бергани чикувдим. Айтинг, овкатингизни пишириб берай.

Азиза хола овкатга иштахаси йўклигини айтди. Донони овора килгиси келмади. Доно бўлса каттиқ туриб олди:

— Аяжоним тайинлади: «Холангга хўрди мастава килиб бергин, катиклаб ичсин», — деб.

Шуни айтиб ошхонага кириб ишга уннай кетди. Жажжи киз унинг ёнида пилдираб юраркан, Доно: «Бизнидан катик опчикасан», — деб унинг кўлига шиша идиш туткизди.

Бир пайт Лазокатхоннинг ўзи чиқди. Кизининг килаётган ишини кузатиб, маъкуллади.

Эгачисидан эса кўнгли безовталигини яширмади:

— Ўглингизни ишхонасиға икки-уч марга кўнгиrok килдим. Тополмадим. Каёkkаям кетган, дейишиди. Уларга: «Ўқтамни ойиси касал, тезда етиб келсин», деб тайинладим. Дараги бўлмадими?

Лазокатхон тик этса эшикка караб, эгачиси ёнида ўтирди. Кизи пишириб келган маставадан кистаб-кистаб ичирди. Кош корайганда ўрнидан кўзгалди-да:

— Ўглингиз кай вактда келсаям Жажжидан менга хабар беринг. Албатта, уни кўришим керак, — деб тайинлади. Донони эса касалнинг ёнида тунаш учун коддириди.

Эртаси у поликлиникага кўнгиrok килиб, доктор чакирди. Пешинга якин доктор

келганини билиб, эгачисиникига чикди. Доктор касални кўриб, даволар белгилаб, дорилар ёзиб, энди жўнаёгганида, хеч нарса билмагандай силликкина бўлиб, Ўқтам кириб келди. Эшикда «Тез ёрдам», уйда доктор билан Лазокатхонни учратиб, нак капалаги учган йигит, изза бўлганидан ўзини аранг босган холда:

— Ия, ойижон, сизга нима бўлди? — деб онаси кошига кучок очиб келди. Онаси эса одатдагича вазминлик билан «сал тоби кочгани»ни билдириди.

Эгачисининг бегам, бепарво ўғилга килган бундай беозор муомаласини хазм килолмаган Лазокатхон:

— Касални яширсанг иситмаси ошкор килади. Тўгрисини айтавермайсизми, эгачи! — деб зарда килди. Кейин Ўқтамга юзланди: — Салгина тоби кочганимас. Олдиндан силковланиб юрарди онанг. Энди росмана касал бўпти. Бод. Хафакон. Ха, бу касаллари олдиндан безовта килиб юрганини билмасмидинг? Шу ярим жон онани ёлгиз ташлаб кетишга кандай виждонларинг кабул кидди-а?! Бориб турган окибатсизлик эмасми — бу?!

Ўқтам кутилмаган огир дашномларни нак ўтакаси ёрилгудай бўлиб эшитди. Бу тўгрисўз, шарттаки кўшнига хиёл бўлсин терс жавоб бериши мумкинмаслигини биларди. Шу билан баробар ўз айбига рўйи-рост икрор бўлишга хам тили бормасди. Ўзини аранг босди. Икки кўлини кўксига кўйган холда зўраки табассум билан:

— Шунака бўп колди, опокижон. Айбга кўшмайсиз. Якин жойга кўчганмиз, тез-тез хабар олиб турадиган бўлиб. Аксига шу кунларда у ёқда иш кўпайиб кетиб, ушланиб колдим...

— Ха, демакки ўзингиздан ортмай колибсиз-да. Биламан, турмушда хар хил фарзандлар учрайди. Бир хиллари ўз шахсий манфаатларини биринчи ўринга кўйишади, ўз хузур-халоватларига берилиб кетишади, ота-она олдидаги фарзандлик бурчларига рахна солиб кўйишади. Наҳотки, сен мўмин-мусулмон фарзанди бўлатуриб, ўшанака бетайин, бетавфиксилар каторига кирсанг?!

— Мендан хатолик ўтган бўлса кечиринг, опокижон! — деб яна эгилиб-букилди Ўқтам.

— Менга кара, отанг куриб берган бу уй торлик килиб колдими? Сизларнинг бу ердан кўчиб кетишларингга ота-онанг рози бўлишганмиди?

Ўқтам мушкул саволга рўпара келиб, довдиради.

— Энди, опокижон... Унча каршилик килишмовди... — деб чайналди.

— Шунака дегин? — деди Лазокатхон гумонсираган холда. Кейин сиз нима дейсиз дегандай Азиза холага тикилди.

— Ха, энди... Шунака... Бўлар иш бўлди... Каерда бўлишсаям омон бўлишсин, — деганча Азиза хола дудмол жавоб килди.

Эгачисининг жавоби Лазокатхонни кониктиргани йўк, албатта. Кониктирмадигина эмас, болаларини бунчалик ўз ихтиёрларига кўйиб бериши, болажонлик киламан деб огириликни ўз зиммасига олавериши, серандишиалиги ўтиришмади Лазокатхонга. Уйидан хабар олиш учун чикиб кетаётиб, Ўқтамни бир чеккага имлади-да, деди:

— Саволимга тўгри жавоб бермадинг, бола. Даданг командировкадан кайтсин, гаплашайлик-чи, нима деркинлар?..

Ўқтам буни жиддий огохлантиришдай кабул килди-ю, юрагини гулгула босди...